# ХАБАР
خبر

*Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри*

**1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 13 февраль № 6 (286) ●**


## ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ЮЗАГА КЕЛДИ

Алоқа тизимининг муҳим тармоғи учун хизмат қилувчи дастурлар олий ўқув юртларида таълимий жараёнларни ташкил этишда қўл келмоқда. Бу борада Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида бой тажриба орттирилган. Ушбу олий ўқув юртида уюштирилаётган асосий илмий йиғилишлардан бири «Ўқув жараёнида ва илмий тадқиқотларда ИНТЕРНЕТдан фойдаланиш» мавзусига бағишланмоқда. Эндиликда олий ўқув юртида машғулотларни ташкил этишда компьютер технологияси билан бирга ИНТЕРНЕТ тармоғидан ҳам унумли фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

ИНТЕРНЕТ тармоғи жуда мураккаб ҳисобланган микро ва макро иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва таҳлил қилишда ҳам қўл келади. Масаланинг муҳимлиги инобатга олиниб, олий ўқув юрти негизида алоҳида ИНТЕРНЕТ тармоғи ташкил этилди.

Университет профессори А. Бекмуродов раҳбарлигида йўлга қўйилган бу таълимий жараёнга олий ўқув юрти факультетлари деканлари, уларнинг ўринбосарлари, кафедра мудирлари жалб қилинмоқда.

***А. АЛИЕВ***

## НАМАНГАН НАМУНАСИ

***ёхуд вилоят телефон-телеграф станцияси ҳисоблаш маркази иш тажрибасидан***

Нари борса бундан 5-6 йиллар олдин алоқа тармоғидаги ҳисоб-китоб ишлари тўла компьютерлар зиммасида бўлади дейилса ишонқирамас эдик. Эндиликда ана шу орзулар ҳақиқатга айланмоқда. Буни биргина Наманган шаҳридаги шаҳарлараро телефон-телеграф станцияси ҳисоблаш маркази мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, илгарилари вилоятда сўзлашувлар ҳисоби Наманган политехника институтининг ҳисоблаш маркази томонидан бажарилар эди. Яъни 07 орқали буладиган сўзлашувлар ҳисоботлари вилоят статистика бошқармасининг ҳисоблаш марказида перфолентага туширилиб, сўнгра ҳисоблаш марказига узатиларди. Кейинги йилларда тармоқ жонкуярлари соҳа истиқболини ўйлаб, талай ишларни йўлга қўйишга улгурдилар. Айниқса, бу ерда телекоммуникация тизимлари ва технологиясини ривожлантиришга, хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ўринда ҳисоблаш марказида амалга оширилаётган ишлар ибратлидир. Дастлаб 07 ҳисоботлари компьютерга киритилиб, кейин статистика ҳисоблаш марказига узатиладиган бўлди. Бундай параллел тартибда ишлашнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор эди, албатта. Ўйлай-ўйлай ахийри ТТС қошида ҳисоблаш марказини кучайтиришга қарор қилинди. Бу энг тўғри ва мақбул йўл эди. Шу мақсадда 1993 йилнинг октябрида ҳамма қулайликларга эга бўлган ҳисоблаш маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мутасаддиларнинг елиб-югуришлари туфайли марказ қисқа вақт ичида зарур техник асбоб-ускуналар ҳамда 4 та замонавий компьютерлар билан жиҳозланди. Малакали кадрлар масаласи ҳал этилди. Мана, тўрт йилдирки бу ерда барча ҳисоб-китоб юмушлари техникалар зиммасига юкланган.

— Бу ҳали бошланиши, — дейди ҳисоблаш марказининг муҳандиси Абдуқаюм Умаралиев, — мижозларнинг талаби йўналишимизни белгилайди. Ҳаётнинг ўзи тинимсиз изланиб ишлашни тақозо этмоқда.

Тизим таркиби кўп терминалли йўналишдан иборат. Абонентлар билан ишлашни тезлаштириш мақсадида терминаллар миқдори 8 тага етказилди. Шу билан баробар марказий кассалар сони ҳам тенг ярмига ортди.

Шунингдек, 08 ва 09 бўлимлари ҳамда телеграф тармоғи ҳам терминаллар билан таъминланган бўлиб, бари марказий компьютерга уланган. Яқин кунлар ичида терминаллар сонини кўпайтириб, АТСларга ўрнатиш, уларни марказий компьютерлар билан боғлаш ҳамда тўлов кассаларини ошириш устида бош қотирилмоқда.

Телефон-телеграф станцияси жамоаси тармоқ истиқболи биринчи навбатда тизимни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янгилаш, бунинг учун хорижий сармояларни жалб қилиш, телекоммуникация соҳасидаги жаҳон ютуқларини ўзлаштиришга боғлиқ деб ҳисобламоқдалар. Бу ўринда «Алкател» фирмаси билан ҳамкорликда 1995 йилнинг ноябрида ишга туширилган 11 минг линиялик маҳаллий рақамли АТС мажмуи ва кўп каналлик халқаро автоматик телефон станциясининг фаолияти эътиборлидир. Эндиликда вилоятдаги барча шаҳар ва туманлар ана шу алоқа тизимига уланган. Энг муҳими — мазкур станциянинг ишга туширилиши билан шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларни магнит тасмасига ёзиб олиш имконияти туғилди. Энди марказ олдида магнит тасмасига муҳрланган маълумотларни компьютерга тушириш-у, ҳисоб-китобини чиқариш бўйича ишларни охирига етказиш қолганди.

Излаган имконият топади деганларидай, ҳеч қанча вақт ўтмай бу масаланинг ечими топилди. Навоий шаҳридаги «Сино» фирмаси орқали шартнома асосида Россиянинг «Амфител» илмий ишлаб чиқариш корхонасидан СМ-5309 русумли қурилма сотиб олинди. Эндиликда шаҳарлараро ҳамда халқаро миқёсда бўладиган сўзлашувлар жараёни ушбу техника кўмагида жамланиб, ҳисоб-китобдаги ноаниқликларга умуман ўрин қолмади. Бу билан наманганликлар яна бир янгиликнинг бошловчиси бўлиб майдонга чиқдилар. Бу янгиликнинг ўрганса арзийдиган, қўлласа фойдали, муҳими соҳа ривожига туртки берадиган жиҳатлари кўп. Шунданми, қўшни вилоятлардаги шу ишга дахлдор мутасаддилар анчадан буён тез-тез бу ерга қадам ранжида қиладиган бўлиб қолишди.

Бир сўз билан айтганда, Наманган шаҳарлараро телефон-телеграф станцияси жамоаси учун ўтган йил ҳар жиҳатдан эсда қоларли бўлди. Улар янги йилдаги ишларимиз бундан-да салмоқли бўлади дейишмоқда.

***Аҳмаджон ТЎЙЧИБОЕВ,***
***Наманган вилояти***



***Хоразм вилояти, Қўшкўпир туман электралоқа боғламасининг телефончилари Клара ва Ҳавожон РАҲИМОВАЛАР мижозларга намунали хизмат кўрсатишмоқда. Улар белгиланган режаларни ортиғи билан бажаришаётир.***

*Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган*

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**•Янгиликлар •Воқеалар •Хабарлар**

● ***Матбуотда «Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.***

● *Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ислоҳотлар ва барқарорлик» деб номланган китоби Анқарада турк тилида босмадан чиқди.*

● ***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг таклифига биноан Буюк Британия парламенти делегацияси расмий ташриф билан республикамизда бўлди.***

● *Тожик-афғон чегарасида Афғонистон чегарасидан ўтишга уринган қуролли гуруҳдан уч киши ўлдирилди.*

● ***Ироқ маъмурлари Россия депутатларини Бағдодга расмий ташриф буюришга таклиф этишди.***

● *Миср Араб Республикасининг Президенти Ҳусни Муборак яна Яқин Шарқни ядросиз ҳудудга айлантиришга даъват этди.*

● ***Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арофат Испанияга ташрифи якунида ҳукумат раиси Хосе Мария Аснар билан учрашди.***

● *Ироқ атрофида вужудга келган танглик ҳамон кескинлигича қолмоқда. Ироққа қарши куч ишлатилишига БМТ Хавфсизлик кенгашининг умумий аъзоларидан Россия, Хитой ва Франция қарши чиқмоқда. Бу давлатлар кескинликни музокаралар йўли билан ҳал этилишига умид билдиришмоқда.*

● ***Боготолик банк хизматчиси Эдгар Медини ватандоши Габриэл Гарсиа Маркеснинг «Танҳоликнинг юз йили» асарини эни 3,5 сантиметрли қоғозга кўчириб чиқди. Китоб 2091 метр қоғозга жо бўлди.***

## ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

*Қайси бир ёш одам кекса кишини улуғ ёши ҳурматидан иззат-икром қилган бўлса, ўша ёшга етганида Аллоҳ Таоло уни ҳам иззат-икром қиладиганларни пайдо қилиб қўяди.*

* * *

*Садақа бериш билан бойлик камайиб қолмайди, кечирувчи одамнинг Аллоҳ Таоло иззат-ҳурматини оширади, Аллоҳ учун ўзини камтар тутган кишининг мартабасини эса баланд қилади.*

* * *

*Сув ичганда туяга ўхшаб бир нафас билан ичманглар, балки бошида «Бисмиллоҳ»ни айтиб, икки-уч бўлиб ичгандан сўнг охирида «алҳамдулиллоҳ» деб шукрини бажо келтиринглар.*

* * *

*Соқий (косагул, сув улашувчи) ўзи охирида ичиши лозим.*

* * *

*Меҳмондўстлик ва танишу бегонага салом беришлик мусулмончиликнинг энг яхши фазилатларидандир.*

* * *

*Уловдаги одам пиёдага, пиёда кетаётган одам ўтирганга, озчилик кўпчиликка, ёш одам кексага салом бериши керак.*

* * *

*Ўз уйингга киришда ҳам салом билан киргин, шунда ўзингга ҳам, оилангга ҳам барака ҳосил бўлур.*



*Қор ортида баҳор нафаси...*

# МЕН ТОҚАТНИНГ ҚИЗИМАН...

**Муборак МЎМИНОВА ҳозир орамизда йўқ, у бир шеърида «Мен тоқатнинг қизиман ахир» деган сатрни битган эди. Ҳа, Муборак чинакам тоқатнинг, сабр-қаноатнинг қизи эди. У ҳаёт бўлганида 34 ёшга тўларди. У икки ярим ёшида тасодиф туфайли ногирон бўлиб қолди. Ҳаётидаги ягона суянчи, сирдоши ШЕЪРИЯТ бўлди. Муборакнинг кўплаб шеърлари республикамиз матбуотида чоп этилди, радио ва телевидениеда эълон қилинди.**

**Муборак Мўминованинг шеърларини эътиборингизга ҳавола қиляпмиз. Шояд, ҳассос шоиранинг руҳи шод бўлса...**



### МАКТУБ

**Кураш тушиб гумонлар билан,**
**Гоҳ йиқилдим, гоҳида йиқдим.**
**Умидсизлик — бу тубсиз жардан,**
**Мактуб, сенга тирмашиб чиқдим.**

**Не дер яна тақдир — ситамкор,**
**Чидагумдир бари-барига.**
**Ўлсам, ёниб ўлгайман, фақат**
**Мактубларинг гулханларида.**

### АЧИНМАСМАН

**Сира тинмас замон шиддати,**
**Тулпорини йўртиб ўтади.**
**Йиқилганни ҳассаси билан,**
**Пайғамбар ҳам туртиб ўтади.**

**Равон эмас ҳаёт йўллари,**
**Толе ёрмиш интилганларга.**
**Раҳмим келмас, ачинмасман ҳеч,**
**Аро йўлда йиқилганларга.**

### ОЧИЛМАГАН ХАТ

**Азон туриб ишга кетасан,**
**Ўқимоққа тополмайсан вақт.**
**Ойлаб, йиллаб шундай ётади,**
**Сирли тилсим — очилмаган хат.**

**Сени интиқ-интиқ кутади,**
**Жавдирайди ғамгин кўзлари.**
**Охир бир кун хира тортади**
**Хатнинг ёруғ, нурли сўзлари.**

**Қизиқтирмас у сени ҳамон,**
**У қувончми, биринчи қорми.**
**Қалингина ўша оқ конверт**
**Бу дунёда аслида борми...?**

**Бахт бормиди оламда ўзга,**
**Кўнгилларни хушнуд этишдан.**
**Қалбим титрар шу хат мисоли**
**Очилмасдан қолиб кетишдан...**

* * *

**Тинчлик бермас жодугар гумон,**
**Ёлғон йиғлаб, ёлғон кулади.**
**Юрагимда йиғлайди ҳижрон,**
**Соғинчларим сочин юлади.**

**Иложим йўқ, бўғилдим бу кун,**
**Қайғуларнинг дим хонасида.**
**Халал берманг, чўмилай бир зум,**
**Ўз ғамимнинг шаршарасига.**

**Ҳасратларда ёнган бу умрим,**
**Бунча тахир, бунчалар тахир...**
**Чиқиб кетма сабр, телбавор,**
**Мен тоқатнинг қизиман ахир.**

**Келгин. Менга мадад бер Тангрим,**
**Кўзларимга қайтаргин хобни.**
**Кўксимга бош қўйсин ёлғизлик,**
**Мен қучоқлаб ётай Азобни...**

**Муборак МЎМИНОВА**

## ЛАТИФАЛАР

— Донолик ҳам ўзига яраша касаллик дейишади, шу гап ростми, оғайни?
— Рост, аммо ташвишланма, сен соппа-соғсан!

* * *

Дўхтир беморга маслаҳат бериб, деди:
— Сиз иложи борича бош билан камроқ ишланг.
— Бунинг сираям иложи йўқ.
— Нега?
— Чунки мен сартарошманда.

* * *

Тарих муаллими илмий бўлим мудирига ўқувчиларнинг билимидан шикоят қилиб, деди:
— Ё товба, Қозонни ким олган десам ҳаммаси елка қисиб, билмаймиз дейишди-я!
— Ташвишланманг, агар олишган бўлса яна жойига олиб бориб қўйишади.
Муаллим директорга илмий мудирдан шикоят қилди.
— Агар ўша мен билган бешинчи синф олган бўлса, қайтиб беришига кўзим етмайди, — дебди директор.

* * *

— Хотиним жуда ажойиб аёл-да. Уйга қайтганимда кийимларимни ечишда ёрдамлашади, қўлқопни топиб беради.
— Қўлқопни нима қиласан?
— Резина қўлқопда идиш-товоқни ювиш ўнғайда!

* * *

Шифокор беморга деди:
— Бу дориларни овқатдан олдин, тўрт маҳал ичасиз.
— Вой-бўй, бунча овқатни қаердан топаман?

## • Биласизми?

### ҚАЙСИ ТИЛНИ ЎРГАНИШ ОСОН?

БМТнинг статистика хизмати тўплаган маълумотга кўра, инглизларнинг ўз она тилларини ўрганишлари учун ўртача саккиз ой вақт кифоя экан. Испанлар эса бунинг учун икки-уч ой сарф қиларканлар. Ҳаммадан кўра японларга қийиндир. Улар ҳатто ўрта мактабни битиргандан кейин ҳам она тилини ўрганиш билан шуғулланишади.

### ЕР ҚИМИРЛАШИНИНГ САБАБИ

Япония дорилфунунининг профессори Токай Иосифуми Томоданинг таъкидлашича, атмосфера босими паст бўлган пайтда ер қимирлаши содир бўларкан. Профессор 1926 йилдан 1985 йилгача Япониянинг марказий қисмида юз берган табиий офатлар сирини ўрганиб, таҳлил қилиш натижасида шундай хулосага келган.

Токай олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бу ерда асосан йилнинг март ва май ойларида ер кўп қимирлаган. Бу пайтда атмосфера босими белгиланган кўрсаткичдан сезиларли даражада паст бўлади.

### ХАРАКТЕР ЕМИШГА БОҒЛИҚ

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, нордон овқатни жон дилидан яхши кўрадиганлар худбин бўлишаркан, ширинлик ва кондитер маҳсулотларини унчалик хушламайдиганлар романтик характердаги одамлардир. Кимки тузли, тансиқ таомларга ўч бўлса, билингки, улар ижодий ишга мойил, меҳнатсевар, фидокор кишилардир ва аксинча, бемаза овқатларни ўта хасис одамлар истеъмол қилишаркан.

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги
•
Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
•
Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-01014. 15347 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

